12 ИЮН 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 111 (10.107). • 1991 йил 12 июнь • чоршанба • Баҳоси 8 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

11 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шаҳар, район партия комитетлари биринчи котиблари билан кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот рўзномада эълон қилинади).

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасида

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда республикани ривожлантиришнинг бир қанча иқтимоий-иқтисодий масалалари муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари республика бошига тушган табиий офат оқибатларини тугатишда ёрдам бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Маълумки, май ойида ва июннинг бошларида Ўзбекистоннинг деярли барча минтақаларида вайронгарчилик келтирувчи селлар, тошқинлар, довулли шамоллар бўлиб, жала қуйди ва дўл ёғди. Шунинг оқибатида минглаб турар жой бинолари ва ишлаб чиқариш иншоотлари, ўнлаб кўприклар, кўплаб километр йўл қопламаси, электр ва алоқа симлари, ирригация тизимлари тўла ёки қисман вайрон бўлди.

Республика қишлоқ хўжалигига жуда қаттиқ зиён етди. Юз минглаб гектар экинзорлар, боғ ва токзорлар, қишлоқ меҳнатчиларининг шахсий томорқа участкалари табиий офат зарбасидан зарарланди. Чорвачиликда ҳам анчагина нобудгарчилик содир бўлди.

Об-ҳаво ноқулайликлари республикага етказган жами зарар 300 миллион сўмдан ошади, деб тахмин қилинмоқда.

Табиий офат оқибатларини тугатиш учун деҳқонлар катта майдонлардаги кўпгина экинларни қайта экишга мажбур бўлдилар, қўшимча равишда одамларни ва моддий ресурсларни, машина-механизмларни ишга солдилар, минерал ўғит ишлатдилар. Вайрон бўлган иморатларни тиклаш учун кўпгина қурилиш-монтаж бўлинмалари юборилди. Шикастланган районларнинг аҳолисига моддий ва бошқа ёрдам берилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулоти ва кийим-бош билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати вазиятни тезроқ барқарорлаштириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрди. Республика идоралари қайта тиклаш соҳасидаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириб турибди. Офат рўй берганидан кейинроқ азият чеккан барча оилалар 300 сўмдан нафақа олдилар, бу ишга 50 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилди. Уй-жойларни қайта тиклашга қарз бериш учун яна 100 миллион сўм ажратилди.

Табиий офат зарбаларининг оқибатлари билан СССР Бош вазири В. С. Павлов танишди, шунинг натижасида СССР Вазирлар Маҳкамаси Табиий офат оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга ёрдам бериш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу қарорга биноан вайрон бўлган уй-жой ва ижтимоий-маиший иморатлар ўрнига янгисини қуриш учун Ўзбекистонга 360 миллион сўм ажратилди. Республика зарур ҳажмдаги моддий-техника ресурслари ва озиқ-овқат олади. Бундан ташқари тузатиш-тиклаш ишлари учун 80 миллион сўм, шунингек чет эллардан сотиб олинган 10 та ғишт заводи, иккита цемент заводи учун асбоб-ускуна, катта кесимли қувурлар ажратилди. Молия соҳасида баъзи енгилликлар берилди, шу жумладан колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг экинларни қайта экиш учун қилган амалдаги чиқимлари ўрнини қоплашга қайтиб олмаслик шарти билан пул бериладиган бўлди.

Бинобарин, республикадаги табиий офат оқибатларини тугатиш учун қуч ва воситалар бор. Бир қанча вилоятларнинг раҳбарлари қайта тиклаш ишлари қандай бораётганлиги ҳақида мажлис қатнашчиларига ахборот бердилар.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон СССР Президентининг «Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари Академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони лойиҳаси кўриб чиқилди.

Республика деҳқончилик фани соҳасида катта салоҳият тўпланганлиги қайд этилди. Бироқ тарқоқлик, олимларнинг ишини мувофиқлаштиришга ва пул билан таъминлашга қодир бўлган ягона марказнинг йўқлиги сабабли кўпинча шу салоҳиятдан тўла-тўкис фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари Академиясининг барпо этилиши бу соҳадаги фундаментал ва амалий ишланмаларни самаралироқ олиб боришга, республика олимларининг мамлакатдаги ва дунёдаги нуфузини оширишга ёрдам беради. Аммо бунинг учун даставвал пухта ташкилотчилик ишини ўтказиш, Академия ва унинг барча бўлинмаларини барпо этиш соҳасидаги биринчи галдаги вазифаларни режалаштириб олиш зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва республика аҳолисини шу маҳсулот билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Деҳқончилик-саноат мажмуининг одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги иши самарадорлигини ошириб, мазкур муаммони пухта ишлаб чиқишни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари республика ташқарисига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида «Узплодоовощвинпром» концерни ва «Узкоопзаготторг» бирлашмасининг бўлинмалари тузган шартномаларнинг иқтисодий асосланганлигини ҳам таҳлил этдилар.

Ҳозир шундай маҳсулотларни етказиб беришнинг анчагина ҳажмлари Ўзбекистон учун манфаатли бўлмаган шартлар асосида амалга оширилмоқда. Моллар мутлақо етишмай турган бир вазиятда мева-сабзавот маҳсулотлари кўп ҳолларда бошқа минтақаларга фақат пулга сотилмоқда. Шундай қилиб, товар-материал ресурслари билан мустаҳкамланмаган маблағ тўпланиб қолмоқда.

Республикага зарур бўлган молларни муқобил етказиб беришни ҳисобга олмай, шартномалар тузилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблашга қарор қилинди. Тегишли ташкилотларга мева ва сабзавот эвазига Ўзбекистонга гўшт, сут маҳсулотлари, болаларга аталган моллар, бошқа камчил маҳсулотлар имкони борича кўпроқ юборилишини таъминлаш учун шартномаларнинг шартларини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР прокуратурасининг Тошкент область Жигаристон қўрғонидаги табиий офат (ер кўчиши) тафсилотларини текшириш натижалари тўғрисидаги хати ўқиб эшиттирилди. Ангрен шаҳрининг маъмурлари табиий офат эҳтимоли борлиги тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилганлигини ўтказилган текшириш кўрсатди. Шаҳар ижрокомининг вакиллари Жигаристон аҳолисини вужудга келган хавф-хатардан огоҳ қилиш учун у ерга борганлар. Аммо улар зарур даражада сабот ва қатъият кўрсатмаганлар.

Шундай қилиб, масъул шахсларнинг ҳаракатларида жиноят нишонаси йўқ, бироқ улар бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйганлар, натижада фожиа содир бўлган. Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг қарорига кўра, бунда айбдор бўлган шахслар муносиб тарзда жавоб берадилар.

(ЎзТАГ).



Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Илмий кучларни жамлаш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш, деҳқончилик-саноат мажмуининг илмий-техникавий имкониятлари самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш мақсадида:

1. 1991 йилнинг 1 июлидан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси Ўрта Осиё бўлими ҳамда республикада жойлашган деҳқончилик йўналишидаги илмий тадқиқот муассасалари негизида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари Академияси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ И. Х. Жўрабеков) мазкур фармонни бажаришга оид ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарорни тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 11 июнь.

● ЯНГИЙЎЛ районидаги «Октябрь» колхози пахтакорлари мавжуд 448 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов беришни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Суратларда: (чапдан ўнгга) 6-бригада бошлиғи Ҳошим Қосимов; ғўза қатор ораларига техника ёрдамида ишлов бериш; механизатор Одил Мирзаев.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАЁСАТИ ВА ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Кенгаши раёсати ва ижроия қўмитасининг қўшма мажлисида кадрлар масаласи кўрилди.

Маҳамадали Ваҳобович Расулов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилинди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Раёсати ва ижроия қўмитаси Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — агросаноат комплекси раҳбари лавозимига илгари халқ депутатлари Тошкент район Кенгаши раиси, Ўзбекистон Компартияси район комитети биринчи котиби бўлиб ишлаган Тўлқин Мирҳолиқович Мирёқубов номзодини тавсия этди ва бу масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида кўриб чиқилгунча унга бу вазифани бажариб туришга рухсат этдилар.

Дилбар Набиевна Жаҳонгирова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари —ижтимоий ривожлантириш, фан ва маданият комплекси раҳбари лавозимидан озод этилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Раёсати ва ижроия қўмитаси Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари — ижтимоий ривожлантириш, фан ва маданият комплекси раҳбари лавозимига илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси иккинчи котибининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган Ҳакимжон Ҳамидов номзодини тавсия этди ва бу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилгунга қадар унга бу вазифани бажариб туришга рухсат этдилар.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси бугун, 12 июнь куни соат 15.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бугун, 12 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг мажлислар залига овоз беришнинг автомат қурилмасидан фойдаланиш тартиби билан танишиш учун таклиф қилинадилар.

Халқ депутатлари эрта билан соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Президенти аппарати мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бугун, 12 июнь куни соат 13.00 да Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг кичик мажлислар залида бўлади.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ҲИСОБ ВА НАЗОРАТ—АСОСИЙ ОМИЛ

Тошкент вилоят партия комитетида аҳолини озиқ-овқат таъминотини ташкил этиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши бўлим мудири С. Ш. Исломов жойларда комиссияларнинг фаолияти, шаҳар ва район ижроқўмлари коммунист раҳбарларининг биринчи зарурат товарлар билан таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш ҳақидаги ахборот билан чиқди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган қарорларни назорат қилиш иши жойларда кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилаётгани таъкидланди. Республика ҳудудидан ташқарига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетиш ҳолларининг олди олинаяпти. Озиқ-овқат товарларини тақсимлашда мувофиқлаштириш ишининг билиб борилиши мисоллари келтирилди. Шу билан бир қаторда текширишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор районларда ун, нон, чой, синтетик ювиш воситалари таъминотида узилишларга йўл қўйилмоқда.

Комиссия аъзолари А. А. Умарбеков ва А. Т. Пукемов Чиноз ва Ўрта Чирчиқ районларида озиқ-овқат молларини нормалаб сотишни ташкил этиш борасидаги муаммолар ҳақида хабар қилдилар. Вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Лозицкий қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қила бориш масалалари ва келгуси вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Комиссия мажлисида бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бундай шароитларда ногиронлар ва серфарзанд оилалар айниқса, ёрдамга муҳтож. Шунингдек, қишлоқ шароитларида савдонинг ўзига хос нормалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, деҳқонларга дала шийпонларида хизмат кўрсатиш ва бошқа масалалар ҳақида тўхталинди. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш борасида ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш муҳим омил эканлиги таъкидланди. Муҳокама давомида аниқ тавсяномалар ишлаб чиқилди.

Комиссия мажлисини унинг раиси Тошкент вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова бошқариб борди.

УЮШМАНИНГ ИЛК ҚАДАМИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Оржоникидзе райони боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланади. Ана шунинг учун ҳам бу районда томорқаларнинг роли катта ўрин тутади. Жумҳуриятимизда аҳолига ажратилган томорқалардан самарали фойдаланиш йўлида қилинаётган катта ишлар бу районни ҳам четлаб ўтмаяпти. Бу ишни мувофиқлаштириш мақсадида янги ташкилот — Деҳқончилик уюшмаси ташкил этилди. Биз ана шу уюшма раҳбари **Холдор ОБИДОВ** билан жумҳурият Президентининг «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамда деҳқон хўжаликларини уй-жой билан, қўшимча ер билан таъминлаш тўғрисида»ги Фармонларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида суҳбатлашдик.

— Холдор ака, янги тузилган деҳқончилик уюшмасининг вазифалари тўғрисида тўхталсак.

— Аввало, бу уюшманинг айни вақтида тузилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг бош вазифамиз деҳқонларга томорқа хўжаликларини, ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга амалий ёрдам беришдан иборат. Чунки маблағсиз, кўмаксиз бу тармоқни жонлантириш анча мураккаб. Уюшманинг иш кўлами кенг ва хилма-хилдир. Масалан, биринчидан биз моддий ёрдамга муҳтож оилаларга узоқ муддатга фоизсиз қарз берамиз. Бу маблағни оилалар қора мол сотиб олишга, қурилиш материаллари ва бошқа зарур асбоб-ускуналарни ҳарид қилишга ишлатадилар. Пировардида уларнинг ҳаммаси деҳқон хўжаликларини моддий томондан мустаҳкам бўлишига, келажакда уларнинг катта самара беришига хизмат қилади.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан уюшмага шундай ҳуқуқлар ҳам берилдики, агар биз улардан тўғри ва оқилона фойдаланса, келгусида томорқа хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва сотишни йўлга қўйиш учун тайёрлов идоралари ташкил этишимиз мумкин. Шунингдек томорқалардан қабул қилиб олинаётган маҳсулотларни бошқа жумҳуриятлар билан шартнома асосида қурилиш материалларига, деҳқон хўжаликларида ишлатиладиган кичик механизмлар ва ускуналар, шунингдек ўғитлар билан айирбошлашимиз мумкин.

— Маълумки, Президент Фармонига мувофиқ жумҳурият уюшмасига 1 миллиард сўм маблағ ажратилди. Уюшманинг район бўлимига ҳам ана шу миқдордан улуш текканди, албатта. Хўш, улардан самарали фойдаланиш учун қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Албатта, ҳозирги мураккаб шароитда маблағсиз бирон нарсани ривожлантириш қийин. Район уюшмасига 600 минг 200 сўм пул ажратилди. Кўриб турганингиздек, бу унчалик катта маблағ эмас. Биз мутахассислар билан ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида 4-5 минг сўм пул янги уй-жой қураётган ёки ёрдамчи чорвачилик хўжалигини ривожлантирмоқчи бўлган оилага ҳеч нарса бўлмайди. Энди мана бу рақамга эътибор беринг. Район бўйича деҳқонларга 270 гектар ер ажратилди. Демак, янги уй-жой қурувчилар жуда кўп. Бунинг устига минг дона ғишт 170 сўмга, шиферниг донаси 5-6 сўмга, бир кубометр тахтанинг нархи 300 сўмга кўтарилиб кетди. Ана шуларни ҳисобга олиб ҳар бир оилага узоқ муддатли фоизсиз қарзни 20 минг сўмдан ажратишга қарор қилдик.

Булардан ташқари юқорида айтганимдек, маҳсулот айирбошлаш ҳисобига аҳолини бошқа вилоятлар ва жумҳуриятлардан олиб келинган бир мунча арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш чораларини кўрмоқдамиз.

Албатта, юқоридаги чора-тадбирлар ҳам аҳоли эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Шунинг учун ички имкониятларни излаб топиш керак. Масалан, томорқаларнинг четларига терак экиш лозим. Шунингдек ерларга кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва учун ем-хашак экишни кенгайтириш жуда зарур бўлиб қоляпти.

— Янги уюшма ўзининг дастлабки қадамини қўйди. Белгиланган тадбирлар, изланишлар ўзининг самарасини беришига ишонамиз. Лекин жойларда бўлганимизда ҳали томорқа эгалари жуда катта муаммоларга дуч келаётганликларини айтишмоқда. Айрим қишлоқ шўроларида, шўро ва жамоа хўжаликларида аҳолига томорқа учун ер ажратиш сабабсиз равишда чўзиб келинмоқда. Айрим жойларда одамлар ажратилган фоизсиз қарз пулини олаолмаётганликларидан шикоят қилишмоқда. Яна бир қатор кишилар бозор иқтисодиёти ўзининг кутилгандан ҳам оғирроқ таъсирини ўтказаётганини айтишмоқда. Шунингдек деҳқонлар етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслигини далиллар билан исботлаб беришмоқда. Сизнинг булар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Аҳолининг бу мулоҳазаларига юз фоиз қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам районимизда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар керагидан ортиқ. Лекин қўл қовуштириб ўтирган билан ҳеч қандай муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Ана шунинг учун район ижроия қўмитаси мутасаддилари билан биргаликда энг қулай йўл-йўриқларни излаяпмиз. Президент фармонларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтирамиз. Айбдорларни, фармон ижросини сабабсиз таъминламаётган шахсларни жазолаймиз. Чунки шу бугун аҳолига берилаётган томорқа, ер участкалари қишлоқнинг келгусини, қишлоқ аҳолисининг таъминотини белгиловчи асосий замин эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Энди қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи тўғрисида. Мен юқорида битта шиферниг нархи 6 сўмга чиққанлигини айтдим. Бошқа қурилиш материаллари, машина ва механизмлар ҳам 4-5, борингки, 10 баробаргача ошиб кетди. Помидор, карам, сабзи, олма ёки бошқа сабзавот ва меваларнинг нархини бир кузатинг-а. 1990 йилга нисбатан 10-15 тийин, нари борса 30-40 тийинга кўтарилди. Қани бу ерда адолат? Бугунги кунда вилоят матбуоти бу масалани жуда тўғри кўтармоқда. Чунки аҳвол шу даражада қолса нафақат томорқа эгалари, балки хўжаликларнинг ҳам косаси оқармайди-ку! Менимча, деҳқонларнинг бу ҳақли эътирозларини жиддийроқ кўриб чиқиш керак.

Умуман, хулоса қилиб айтганда янги уюшма аҳолига катта ёрдам бериши мумкин ва лозимдир. Зеро уни тузишдан бош мақсад ҳам шудир.

Суҳбатдош Т. ЕРҚУЛОВ.

• *Бурч ва садоқат*

АРМИЯ ХИЗМАТИ—ВАТАН ХИЗМАТИ

Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият ёшларини ҳарбий хизматга чақиришни ва хизматни ўташини такомиллаштиришга доир тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ яқинда муҳим ҳужжат— СССР Қуролли Кучлари Бош штаби билан Ўзбекистон ССР ҳукумати ўртасида битим имзоланди. ЎзТАГ мухбири Қизил Байроқ Орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник И. В. Фуженко билан учрашиб, ундан ана шу муҳим битим тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

— Бу ҳужжат жуда ноёб, чунки совет ҳарбий қурилишининг бутун тарихида бундай битимлар бўлмаган. Иккинчидан, у ўз вақтида қабул қилинди. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги сон-саноқсиз гап-сўзлар бўлиб турган пайтда, мазкур битим шу йўналишдаги амалий қадамлардан бўлиб, армиямизни миллий хонадонларга тарқатишга эмас, балки Совет қуролли кучларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Менинг назаримда, тузилган битимнинг катта аҳамияти шундаки, энди мудофаа вазирлиги билан бир қаторда Ўзбекистон ССР ҳукумати Армия ва Флотни ҳарбий хизматчилар билан сифатли таъминлаш, ҳарбий ходимлар тайёрлаш ишини ўз зиммасига олади.

Масалан, СССР қуролли кучларида хизмат қилишга яроқли эканлиги хусусида тиббий гувоҳнома тўғрисидаги низомнинг баъзи моддалари кўпинча танқид қилинмоқда. Унда бир қанча касалликларга чалинган ёшларни бир қўшинга чақириш мумкин эмаслиги ва айни вақтда қўшинларнинг бошқа турига рухсат берилиши айтилади. Бутун армиямизга жисмоний ва руҳий жиҳатдан жуда оғир ишларни уддалай оладиган соғлом кишилар кераклиги ҳаммага маълум. Шу сабабли Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирлиги мажбурий ҳужжатга киритган баъзи қўшимчалар эътиборга лойиқдир. Айни вақтда ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва армияга чақирилишга тайёрланаётган ёшларнинг соғлиғига бўлган талаб кучайтирилганига қарамай, жумҳурият ҳукумати имзоланган битимга мувофиқ чақириқ муддатларига ва армияга келиб қўшиладиган ёшларнинг СССР қуролли кучлари бош штаби билан ўртасидаги келишилган сонига қатъий риоя этиш вазифасини зиммасига олади.

Ҳужжатда бундан буён армияга чақирилувчиларни хизмат ерига ёки ўқийдиган жойигача, запасга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни эса уларнинг яшаш жойларигача Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг вакиллари кузатиб қўйдиган бўлганини ижобий ҳол деб ҳисоблайман. Ўйлайманки, бу ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, жиноятлар ва ҳодисалар олдини олишнинг таъсирчан омили бўлади, айни вақтда ёш аскарларга янги турмуш ва рўзғор шароитларига тезроқ кўникишда ёрдам беради. Ана ўшанда армия тўғрисидаги бўлмағур афсоналар камайишига умидворман.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мазкур муҳим ҳужжат бизни — барча даражадаги командирлар ва бошлиқларни, сиёсий ходимларни кўп нарсаларга мажбур этади, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги аскарлар ва сержантларга таълим бериш ҳамда уларни тарбиялашга қўпроқ масъулият билан ёндашиш, уларнинг ота-оналари, Жумҳурият совет ва партия идоралари, жамоат ташкилотлари билан қалин алоқада ишлаш мажбуриятини юклайди.

Имзоланган битим ҳажмига кўра катта, афтидан унинг ҳар бир бандини муҳокама қилиш шарт эмас, Бош штаб ва Ўзбекистон ССР ҳукумати шартнома устида етарли даражада ишладилар. Фақат бир нарсани айтай — бундай муҳим ҳужжатнинг пайдо бўлиши СССР қуролли кучларида ҳарбий ислоҳот рўёбга чиқарилаётганининг ёрқин тасдиғи бўлди.

— Битимда Ўзбекистон ССР дан чақирилган фуқароларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташдаги баъзи ўзига хос хусусиятлар белгилаб берилган. Масалан, Ўзбекистондан чақирилган, қонуний никоҳдан ўтган ёшлар Туркистон ҳарбий округида жойлашган қисмлар ва бўлинмаларга юборилади ҳамда улар имконият қадар оилалари доимий яшайдиган жой яқинида хизмат қиладилар. Сизнинг бу масалага муносабатингиз қандай?

— Ижобий. Модомики, биз бугуни кунда умуминсоний аҳлоқий асосларни қайта тиклаш зарурлиги тўғрисида гапираётган эканмиз, унда оила бунинг асоси эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўйланган йигитларни оиласига яқин ерларда хизмат қилдириш муаммоси энди йўқ. Округимизда, жумҳуриятимизда Ўзбекистондан ҳақиқий хизматга чақирилган 515 нафар аскар ва сержант ҳозир хизмат қилмоқда. Улар армияга чақирилгунларича никоҳдан ўтганлар. Бундан кейин ҳам ўйланган йигитларни қаридош-уруғлари яшайдиган жой яқинидаги гарнизонларга юбориш имкониятларини қидирамиз.

Шу билан бирга аскарлар ва сержантларнинг ўзлари ҳам, уларнинг қайлиқлари ва ота-оналари ҳам оилага яқин ерда хизмат қилиш армияга зарар келтирмаслиги кераклигини тушунишларига умид қиламиз.

— Имзоланган ҳужжатда жумҳурият туб миллатига мансуб йигитларнинг курсантлар ўқув бўлинмаларидаги тайёргарлигини ошириш тадбирлари кўрилиши назарда тутилган. Округингиз ўқув бўлинмаларида бу муҳим йўналишда ҳозир нималар қилинмоқда?

— Ёш аскарлар, шу жумладан Ўзбекистондан чақирилган йигитлар ҳам округ ўқув бўлинмаларида фақат армиядагина эмас, айни вақтда хизматни ўтаб бўлганларидан сўнг ҳам кунларига ярайдиган турли-туман мутахассисликларни эгаллаш имкониятига эгадирлар.

Уларни тажрибали, саводли офицерлар ва прапорщиклар, ўз ишининг моҳир усталари ўқитиб, тарбия бермоқда. Ўқув дастурига ҳарбий фанлар, махсус фанлар, жисмоний тайёргарлик киради. Рус тилини билмайдиган курсантларни шу тилга ўргатишга ҳам кўп вақт ажратилади, чунки раҳбар ташкилотлардан келадиган барча ҳужжатлар, йўриқномалар, техникавий баёнлар рус тилида ёзилади. Шуни таъкидлаш керакки, рус тилини билмаслик ўқув жараёнига ҳалақит бермоқда, ўқиш сифатини пасайтириб юбормоқда. Бу ўринда ўрта мактабларда бошланғич ҳарбий таълим учун ва ДОСААФ мактабларида махсус таълим учун жавобгар бўлган жумҳурият Халқ таълими вазирлиги билан ДОСААФ ташкилоти шаънига ўз мулоҳазаларимни айтмасдан иложим йўқ. Кўпинча чақирилувчиларнинг билимлари ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш ўрнига юқорида айтилган вазирлик ва ташкилот йўл қўйган хатоларни тугатиш учун вақт сарфлашимизга тўғри келмоқда.

СССР қуролли кучлари Бош штаби билан Ўзбекистон ССР ҳукумати имзоланган ҳужжат жумҳуриятдан чақирилган курсантларни округ ўқув бўлинмаларида тайёрлаш имкониятини анча кенгайтиришга қўмаклашади, армия сўзда эмас, амалда ҳаёт мактаби бўлиб қолади, деб ишонгим келади.

— Жангчиларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашда командирнинг хизмати катта. Округ ҳарбий билим юртларининг қайси бирида туб миллатга мансуб кишилардан офицерлар тайёрлаш кўнгилдагидек бўлмоқда ва у бу куннинг талабига қай даражада жавоб беради?

— Округимизда тўртта ҳарбий-ўқув юрти бор. Офицер кадрларни тайёрлашда курсантларни миллатига қараб ажратмаймиз. Уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг ёш фуқаролари, ўз умрини қандайдир бир, алоҳида жумҳуриятни ҳимоя қилишга эмас, балки бутун кўп миллатли социалистик давлатимизни кўз қорачиғидек асрашга аҳд қилган йигитлардир. Шу сабабли ҳарбий билим юртларининг командирлари ва муаллимлари курсантларга бир хил эътибор берадилар, бир хилда ғамхўрлик қиладилар. Албатта бир қанча сабабларга кўра, жумладан рус тилида сўзлаши қийин бўлганларга керакли ёрдам берилади. Ўқишга алоқадор муаммоларни ечишда кўмаклашилади.

Туркистон ҳарбий округи ҳудудида жойлашган барча олий ўқув юртларида офицер кадрларни тайёрлаш бугунги кун талабларига мос келмоқда. Ўқув-моддий базаси ҳам, муаллимларнинг тайёргарлик даражаси ҳам, ижтимоий-маиший шароитлар ҳам билим юртларида ўқишмишли, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланган офицерлар — командирлар ва тарбиячиларни тайёрлаш имконини беради. Бунда ёшларнинг истаги бўлса бас.

Афсуски, олий ўқув юртларини битириб чиқаётганлар орасида ўзбек миллатига мансуб йигитлар ҳозирча кўп эмас. Тўғри, агар рақамларга қараб айтадиган бўлсак, улар орасида офицер бўлишни хоҳлайдиганлар анча кўпайди. Масалан, 1987 йилда 28 киши В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртига киришни хоҳлаган бўлса, 1990 йилда улар 82 нафарга етди. Бироқ ўқишни ҳамма ҳам охиригача етказа олмаяпти. Бу ўринда П. С. Рибалко номли Тошкент олий танк командирлари билим юртини мисол қилиб келтириш мумкин. У ерга 1987 йилда ўқишга кирган 23 нафар ўзбек йигитнинг атиги 6 нафари бу йил офицер бўлади.

Тахлилдан маълум бўлишича, бунинг асосий сабаби мактабда уларнинг етарли даражада ҳарбий тайёргарликдан ўтмагани, умумтаълим ва жисмоний тайёргарлик даражасининг пастлигидадир.

Ҳозир биз сиз билан мулоҳаза юритаётган битимда ўзбек йигитларини ўқишга қабул қилиш нормаси ҳам белгиланган. 1991 йилда ўзбек миллатига мансуб йигитлардан мингга яқин кишини конкурсдан ташқари барча турдаги қуролли кучлар ҳарбий-ўқув юртларига қабул қилиш мўлжалланган.

—Ҳозир округ қўмондонлиги олдида қандай муаммолар бор?

—Жанговар ва сиёсий ўқувдан тортиб, ижтимоий-маиший шарт-шароитларга таллуқли жуда катта ва мураккаб муаммолар бор. Ўқув йилининг биринчи ярим йили тугади, якунлар чиқарилди, энди биз ютуқларни мустаҳкамлашимиз, эришилган натижаларни кўпайтиришимиз — хуллас, Ватанимизнинг Жанубий чегаралари аввалгидек пишиқ-пухта ҳимоя қилиниши учун ҳамма ишларни амалга оширишимиз зарур. Офицерлар ва прапоршчикларни уй-жой билан таъминлаш ҳозирча асосий масала бўлиб қолмоқда.

—Иван Васильевич, суҳбатимиз охирлаб қолди. Ёш жангчиларга нималар айтишни хоҳлардингиз?

—Уларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, хизматда муваффақият, яхши ва садоқатли жанговар дўстлар ҳамда ўртоқлар орттиришни, қийинчиликларни енгишда чидамли ва мард бўлишни, социалистик ватанимиз ва халқимизга садоқатли бўлишни тилайман.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ИШБИЛАРМОНЛИК— ДАВР ТАЛАБИ

«ФАБРИКАНИ СОТИБ ОЛАМИЗ»

АГАР эътибор қилсангиз бозор иқтисодиётига ўтиш арафасидаёқ кийимкечак ва турли буюмларни ўйлаб харид қиладиган бўлиб қолдик. Сабаби ҳозирги нарх-наво «чақиб» оладди. Шунданми, асосий кийимларимизнинг эскиларини ямаб-юлқашга тўғри келяпти.

Лекин халқ истеъмоли молларининг қатор турларини тез-тез харид қилиб туришга мажбурмиз. Масалан, эркаклар ва болалар майка-трусилари, пайпоқ ва ич қўйлаклар, аёллар ва қизларнинг енгил халатлари, сарафанлар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, чойшаб ва бошқалар. Буларнинг айримларини дўконлардан эркин харид қилиш ҳамон мушкул.

Номлари тилга олинган маҳсулотларнинг кўпчилиги Маҳаллий саноат вазирлигига қарашли Ўрта Чирчиқ тикувчилик фабрикасида ҳам тайёрланади. Яқинда Тўйтепада бўлганимда ушбу фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати, ижтимоий ва иқтисодий фаолияти билан танишдим.

Тикувчилар жамоасига йигирма олти баҳорни қаршилаган Мурод Мирзалиев директор ва тажрибали мутахассис Суннат Раҳимовнинг бош муҳандис бўлиб келганларига эндигина бир йилдан ошибди. Уларнинг ҳар иккалалари ҳам пойтахтдаги «Чевар» тикувчилик фабрикасидан бой тажриба билан келганлар.

Фабрикада кўрсаткичлар жойида. Ўтган йилги режалар ортиғи билан уддаланган. Бу хусусда турли рақамларни келтириш мумкин. Лекин ҳожати йўқ. Иш икки сменада ташкил этилган. Ошхона, кутубхона, дам олиш хоналари ишчилар учун муҳайё. Олисда яшовчиларни олиб келишга ва элтиб қўйишга автобуслар ажратилган ва ҳоказо.

Директор қишлоқларнинг бирида очилаётган фабрика қошидаги кичик корхонага кетганлиги сабабли бош муҳандис билан суҳбатлашдим. Корхонанинг даромади, ишчиларнинг маошлари, ижтимоий шароитлари ва муаммолари билан қизиқдим.

— Ўтган йилги даромадимиз ёмон бўлмади, — дейди Суннат Раҳимов.— Мўлжалимиздагидан ортди. Лекин бу йилги ишимиз қийин кўчяпти. Йилнинг биринчи чорагида режалаштирганимиз 160 минг сўм ўрнига 68 минг сўм олдик. Тўғри, ҳозир даромад солиғи 45 дан 35 фоизга камайтирилган. Лекин шунга қарамай бу пул ишчиларга ҳар ой тўланадиган товон учун умуман етмайди. Бунинг устига овқат пулини бир сўмданга камайтирганмиз. Буларни қоплаш учун 80 минг сўм қарз олишимизга тўғри келди. Ушбу ҳолатнинг вужудга келишига хом ашёни ўз вақтида ёки етарли миқдорда ололмаётганлигимиз сабаб бўлди.

Хом ашёни биз асосан Россиянинг Иваново, Москва вилоятлари ва Струнина шаҳарларидан, бир қисминигина эса Андижон ва Бухоро ип-газлама комбинатларидан оламиз.

Йил бошида кўпроқ бизни россиялик корхоналар қийнаб қўйишди. Шуңа қарамай 3 ойлик режани уддаладик. Ваҳоланки, эндиликда хом ашё оширилган нархда, яъни 1 сўм 70 тийинлик — 2 сўмлик газламалар 4,5—5 сўмга, 5—6 сўмлик иплар эса 12 сўм ва ундан қимматга тушмоқда. Табиийки, маҳсулотларимизнинг нарҳи ҳам кўтарилиб кетди. Бундан эса ишчилар манфаатдорлиги деярли ортмайди. Тикувчиларимизнинг ўртача ойлик маошлари ўтган йилнинг бошида 145 сўмни ташкил этган бўлса, бу йилнинг шу даврига келиб 152 сўмга етди. Демак, тўланадиган товокка қўшганда 212 сўмга айланади. Бу эса ҳозирги шароитда барибир кам.

Ишлаб чиқариш жамоаси билан корхонани ижарага олишга аҳдлашдик. Бунда кейинчалик тўла сотиб олиш ҳам кўзда тутилган. Дастлабки ҳисобкитобларга қараганда ана ўшанда ишчиларимиз ойлик маошларининг ўзи 400 сўмдан ошиши мумкин. Ишни бир сменада ташкил қиламиз. Бу бизнинг ҳозир фойдаланаётган икки автобусимиздан воз кечиш ва йилига қўшимча 48 минг сўмлик иқтисодий самара олишимиз учун шароит туғдиради.

Ноҳиядаги 68 ишчи ўринли филиалимиз ёнида яқин орада кичик корхонамизни ишга туширамиз. Қорасувдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати қошида шартнома асосида цех очмоқчимиз. Янгийўл шаҳрида ва Чиноз нинг Олмазор посёлкасида ҳам филиалимиз ишлаб турибди. Ҳуллас, ички имкониятларимиздан тўла фойдалана билишга ҳаракат қиляпмиз. Бундан қишлоқдаги ишсиз хотин-қизларимизни меҳнатга жалб қилиш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

— Касаначилар борми?

— Албатта, 60 га яқин аёлларимизнинг хонадонларига кўрпалар элтиб берамиз. Қавилгарларини олиб кетамиз. Маошлари ишбай.

—Уларнинг сонини кўпайтириш, яъни уйда ишлашга кўпроқ одамларни жалб қилиш мумкин эмасми?

— Аввало, уйда меҳнат қилишни истовчилар қанчалик кўп бўлса бизга ҳам шунчалик яхши. Лекин ҳаммаям кўрпа қавишни эплай олмайди. Айниқса, ёш қиз-жувонлар. Бу биринчидан. Иккинчидан, кўпчилик дала юмушларидан, томорқаларидан ортмайди. Шундан бўлса керак ўша ишчиларимизнинг кўпчилигини кўп болали оналар ташкил этадилар...

• Бозор иқтисодиётига ўтиш даври фабрика учун деярли салбий таъсир кўрсатмаяпти. Чунки юқорида айтганимиздек, бу ерда чиқариладиган маҳсулотларни нархидан қатъий назар одамлар харид қилишади. Шунга яраша тайёр маҳсулотлар сифатли, аҳоли талабига жавоб бера оладиган бўлишини истаймиз.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.
Тўйтепа шаҳри.

ОНАЛАР ТИЛАГИ— ОЛАМ ТИНЧ БЎЛСИН!

Ноиба опа эгнидаги ҳарбий кийимлари ўзларига ярашиб турган фарзандларининг суратларига боқиб «бу сафар хат бироз хаялладими?» деб кўнглидан ўтказиб турган ҳам эдики, эшик очилиб, бир тўда неваралари югуриб кириб келишди.

— Ойимга мен биринчи айтаман, мен, — дея бир-бирларига гал бермай чуғурлашиб кетишди улар.— Ҳасан-Ҳусан акамгилардан хат келди!

— Хайрият-ей, баракалла болаларим, — деди хурсанд бўлган Ноиба опа уларни эркалаб қандқурс улашар экан. Мактуб дарагини эшитган Ҳасан-Ҳусанларнинг яна бир эгизаги Зуҳра ичкари уйдан югуриб чиқди-да, хат жилдини очиб, шоша-пиша ўқий бошлади.

— Ассалому алайкум, адажон, онажон, ака-ука жигарларимизу, опажонлар ва Зуҳрахон! Барчангизга қардош қозоқ элида ўз йигитлик бурчларини ўтаб юрган Ҳасан-Ҳусанлардан алангали салом! — деб бошланган эди хат.

Шундан сўнг улар ўз хизматлари қандай ўтаётганлиги, аскарликда орттирган дўстлари ҳақида ёзган эдилар.

«Адажон , онажон, биздан сирасира хавотирланманглар. Саломатлигимиз, ишларимиз ҳаммаси жойида. Ўзларингизни авайланглар. Кунлар шундай тез ўтаяптики, хизматни гўё кеча бошлагандек эдик. Мана, бир йили ўтиб қолди. Ҳадемай қолгани ҳам ўтиб кетади. Сўраганларга бизлардан салом денглар. Эсон-омон дийдор кўришайлик, деб аскар ўғлонларингиз...»

Ноиба опа Зуҳра ўқиб берган хатни минг ҳаяжон билан лабига босар экан:

— Эҳтиётлаб қўй, она қизим, ҳали аданг келганларида суюнчи оласан, — деди.

Биз бу серфайз ва аҳил оила таърифини эшитиб, яқиндан танишмоқ мақсадида улар хонадонига ташриф буюрар эканмиз, хонадон эгаларининг ана шундай қувончига тўғри келганлигимиздан хурсанд эдик.

— Қадамларингизга ҳасанот, — деди Ноиба опа ниятимизни эшитгач, сўнгра ҳазил қилди, — бизни ҳам йўқлаб келадиганлар бор эканку.

Саранжом-сариштa, анвойи гуллар қулф уриб турган ҳовлида бир пиёла чой устидаги суҳбатимиз қизиб кетди. Қаршимизда ўтирган камсуқум, аммо сермулоҳаза, юзкўзлари ва қиёфасидан меҳнаткашлиги, ғайрати сезилиб турган Қаҳрамон онага ҳавасимиз келди. Дарҳақиқат, Ноиба опа ҳар қанча ҳавас қилса арзигудек оила соҳибаси, бир-биридан меҳнаткаш, мўмин-қобил тўққиз ўғилу, уч қизнинг онаси эканлар.

Ўн икки нафар фарзандни вояга етказишнинг қувонч ва ташвишлари ҳақида фикр юритар эканман, баъзан ишдан ҳориб-чарчаб қайтган чоғларим кун бўйи кутиб турган бир олам уй-рўзғор юмушларидан ортолмай икки нафар фарзандимни ҳам бағримга босиб, эркалаш учун, уларнинг турли-туман саволларига жавоб қилиш учун имкон тополмаётганлигимни ўйлайман. Ноиба опа эса ҳар бир фарзанди, уларнинг ўзига яраша феъл-атвори, қандай таомни хуш кўриши-ю, нималари ёқтирмаслиги, жажжи набиралари ҳақида сўзлаб берар эдилар.

Ҳақиқатан ҳам она ҳар қанча фахрланиб, сўзласа арзийди. Фарзандларнинг бари меҳнаткаш, одобли, ота-она иззат-ҳурматини жойига қўядиган. Чунки она турмуш ўртоғи Ҳамдам ака билан биргаликда уларни ҳалол меҳнат билан тарбиялашмоқда. Ҳамдам ака бутун умрлари давомида эл-юрт саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қиляптилар. Ҳозир у киши район «Тез ёрдам» бўлимида шифокор бўлиб ишлайдилар. Ноиба опа эса қирқ йилдан ортиқроқ колхозда меҳнат қилдилар. Шундан йигирма беш йилидан буён эса пилла қурти боқадилар. Оила аъзолари бўш вақтларида ўз томорқаларида ишлайдилар. Уй-рўзғор учун зарур маҳсулотлар ўзларидан чиқади. Оғилхонадаги соғин сигир эса бола-чақанинг оғзини оқлаб турибди.

Тошкент районидаги Гулистон қишлоқ шўроси раиси муовини Абдурасул Мўминов ҳам Ғуломовлар оила аъзоларини ҳурмат билан тилга олди.

— Тўрт нафар ўғлини уйлантирган, икки қизини узатиб, уларнинг тиниб-тинчиб кетишида, албатта, ота-онанинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари, ўзаро меҳр-муҳаббатлари ўрнак бўлган, — дейди А. Мўминов.

Ўғилларининг олти нафари Совет Армияси safларида йигитлик бурчларини адо этиб қайтишган. Тўнғич ўғил Ботиржон Туркманистонда, Миркамол эса Владивостокда уч йиллик хизматда бўлди.

— Ҳарбий хизмат — мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди, — дея суҳбатга қўшилди Миркамол. — Энг муҳими ҳар қандай қийинчиликни сабот билан енгишга, доимо тартибли ва чидамли бўлишга ўргатди. Ҳозиргача хизматда орттирган дўстларим олмаоталик Андрей, красноярсклик Валерий билан хат ёзишиб турамиз. Ахир уч йил давомида улар билан тунукун бирга бўлиб, бир бурда нонни тенг бахам кўрганмиз, оға-ини тутинганмиз, дўстлик ва биродарликни қадрлашни ўрганганмиз.

Миркамолдан сўнг Мирҳотам— Донецкда, Миролим — Литвада Совет Армияси safларида хизматда бўлишди. Ҳозир Ҳасан ва Ҳусан Қозоғистонда хизматда эканлар. Тиниб-тинчимаган ота-она яқиндагина улар олдига бориб қайтишибди. Эр-хотин у ерда аскар йигитлар учун яратилган шароитлар, озода ётоқхоналарни кўриб хурсанд бўлишибди. Ҳатто ўғиллари нега овора бўлиб келдингизлар, деб уларга ачинишибди.

— Баъзан армия ҳақида турли гап-сўзларни эшитиб ҳайрон қоламан. Лекин шукурки, фарзандларимнинг барининг командирларидан фақат миннатдорчилик ва раҳматномалар олганмиз, — дейди Ноиба опа. — Истагим — ўғлонлари аскарликка кетган оналарнинг ҳар бирига ана шундай қувончли кунлар насиб этсин.

Шунингдек у киши суҳбат орасида оналар тилаги — олам тинчлиги эканлигини, уларнинг фарзандлар камолини кўриш, хурсандчиликларига шерик бўлишдан ўзга ниятлари йўқлигини билдирдилар. Ҳасан-Ҳусан ва Зуҳралардан бир ёш кичик бўлса-да, улар билан бирга бир синфда ўқиб, мактабни бирга тугатган кенжа ўғиллари Мирҳолиқ ота изидан бориб, шифокор бўлиш орзусида эканлигини айтдилар. Мирҳолиқ ана шу эзгу умид билан бу йил Ўрта Осиё болалар тиббий олий илмгоҳига ҳужжатларини топширмоқчи. Биз ҳам ана шу касбни эгаллашни жон-дилдан истовчи ўғилнинг бу орзуси амалга ошишини, олий маълумотли бўлиб етишишини жуда-жуда истаб қолдик.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ЯНГИ ТРЕСТНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ

ЎТГАН йилнинг охирларида Оҳангаронда янги қурилиш трести барпо этилган эди. Унинг олдида катта вазифалар турибди. Жамоатчи мухбиримиз О. ХУШНАЗАРЗОДА трест бошқарувчиси Николай Степанович КОРЕННОЙ билан суҳбатда бўлиб, ундан жамоанинг дастлабки ишлари, зиммадаги ўжкан юмушлар, муаммолар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Маълумки, — деди Н. С. Коренной, — Оҳангарон шаҳри ва ноҳиясининг совет ва хўжалик ташкилотлари бу ерда қурилиш трести ташкил этиш тўғрисида жумҳуриятнинг юқори идораларига илгаридан мурожаат қилиб келардилар. Бунинг сабаблари бор эди, албатта. Шаҳар ва ноҳияда бунёдкорлик ишлари кўламининг йил сайин қўпайиши шуни тақозо этарди. Бунинг устига режалар бажарилмасди, мўлжалдаги турли-туман иморатларнинг ҳаммаси ҳам вақтида қад кўтармас, судраларди. Оҳангарондаги ишлаётган кўчма механизациялашган колонна ва қурилиш ташкилотлари шаҳардан ташқаридаги турли идораларга бўйсунар эдилар. Ягона марказлашган трест ташкил этиш ғояси шу тариқа туғилган эди. Негаки, Оҳангарон шаҳри Ўзбекистон бинокорлик материаллари саноати вазирлигининг энг йирик маркази ҳисобланса ҳам шаҳарда уй-жой, ижтимоий-маиший иморатлар қурилишига мутлақо эътибор йўқ эди.

Трест икки қурилиш ташкилоти — 97-кўчма механизациялашган колонна ва хўжалик ҳисобидаги қурилиш-монтаж участкаси (собиқ 1-кўчма механизациялашган колонна) негизида ташкил топди. Шаҳарда қурилиш вазирлигига қарашли фақат 18-кўчма механизациялашган колонна қолди. Менинг фикримча, шаҳар ҳудудидаги барча колонналар ва қурилиш ташкилотлари тезроқ ягона трестга бирлашса, бундан фақат наф кўрилган бўлар эди.

Бу йил трест бўйича 6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Биз яқин йилларда 22 миллион сўмлик маррага етиб оламиз. 1991 йилда шаҳарда 15700 квадрат метр уй-жой бунёд этилади. 500 ўринли кинотеатр, 320 ўринли болалар боғчасига пойдевор қўйиляпти. Ҳолбуки, бу иншоотлар қурилиши шу йилнинг тўртинчи чорагида бошланиши керак эди. Ноҳия ҳудудида икки мактаб биноси бу йил фойдаланишга топширилади, ноҳия марказий касалхонасида терапия корпуси вужудга келтириляпти. Эйвалек посёлкасида 150 ўринли касалхона ва 200 беморни қабул қиладиган шифохона қурилиши жадал суръатлар билан бораяпти.

Саноат корхоналарини кенгайтириш ҳам бизнинг зиммамизда бўлади. Йилига 8 миллион квадрат метр линолеум ишлаб чиқарадиган янги пластмасса комбинати, 2300 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган комбинат қурилиши шу йил охиригача бошланади. «Сантехлит» заводи, дон маҳсулотлари комбинатида реконструкция ишлари амалга оширилади.

Табиийки, янги ташкил этилган трестнинг олдида анчагина муаммолар ҳам бор. Энг муҳими, биз мададга муҳтожмиз. Айниқса, ишчи кучи етишмаяпти, жамоани бинокор кадрлар билан бутлаш осон бўлмаяпти. Шаҳримизда истиқомат қилувчилар орасида Ангрен ва Олмалиққа бориб ишлайдиганлар ҳали кўп. Улар бизда ишлашса деган истагимиз бор. Тўғри, ҳозирча трестимизда шароит яхши эмас. Бир-икки йил қийин бўлади. Ҳадемай ўз санаторий-профилакториймиз, маданият саройимиз қад кўтаради. Биз қураётган уйлар биринчи навбатда жамоамиз аъзоларига берилади. Ташкилий масалаларга келсак, 13-автобазани кенгайтириш, машина парки сонини кўпайтириш лозим. Трест ичида механизация ишларини амалга оширадиган махсус кўчма колонна ташкил этиш зарур. Албатта, буни трестнинг ёлғиз ўзи уддалай олмайди. Бунинг учун ноҳия ва шаҳар Кенгашларининг қундалик кўмаги керак. Ана шундагина Оҳангаронни кўркам, замонавий ва обод шаҳарга айлантира оламиз. Хуллас, биз истиқбол сари одим ташлаяпмиз.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



● Брест қалъаси қаҳрамонлари номи ва жасорати тарихнинг зафарли сатрларига битилган. Ана шу тарихий воқеа иштирокчилари сони йил ўтган сайин камайиб боряпти. Қалъа деворларини кўрган ҳар бир киши кўз олдида урушнинг суронли лаҳзалари яна бир карра намоён бўлади.

● Новгород. Бутуниттифоқ илмий таъмирлаш комбинати ходимлари бундан ўн икки йил бурун огоҳлантиришларига қарамай эътиборсизлик ва совуққонлик туфайли шаҳарнинг тарихий обидаларидан бўлган Кремль девори қулаб тушди.

● СССР Маданият вазирлиги ва Москва шаҳар Совети ташаббуси билан ташкил этилган уй-рўзғор буюмлари савдо ярмаркаси пойтахт меҳнаткашларида катта қизиқиш туғдирмоқда.

Э. Кобьяк, А. Овчинников ва Р. Денисов суратлари.

(ТАСС).

ТАРИХИМИЗНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

ДЕҲҚОН ТАҚДИРИ

УКРАИНАГА СУРГУН ҚИЛИНГАН БИР ОИЛАНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ



«Мен ким, Убайдуллаев Раҳимжон 1917 йилда Қорасув районининг Қорасув қишлоғида туғилганман. Улуғ Ватан уруши қатнашчисиман. Мен Одилов Носир ва унинг оиласини яхши биламан. Унинг ўғли Одилов Мирмуҳсин Носирович 1930 йили туғилган бўлиб отаси билан бирга Украинага сургун қилиб юборилган эди. Уларнинг оиласи 1931 йилда Тошкентдан Украинанинг Херсон вилоятига қонунсиз сургун қилинган пайтда уларнинг ихтиёрида бир неча гектар ери, турар-жойлари, қўраси, отхонаси, молхоналари бўлган...»

Бу сурат 1939 йили Украинанинг Херсон вилояти Скадов районида олинган. Унда ўзбек деҳқони Носирхон оиласи аъзолари акс этган. Улардан баъзилари ҳозир ҳаёт, кўпчилиги эса марҳум.

Биз ўша таҳликали, тарихимизнинг мудҳиш ва жумбоқли 30-йиллари воқеаларининг жонли шоҳидлари бўлган ана шу оила ҳақида ҳикоя қиламиз.

УКРАИН ҚИШЛОҒИДА

Маҳсума Одилова ҳикояси

— 1931 йилда сургун қилинганимизда мен уч яшар эдим. Ўша болалигим ўтган украин қишлоғини «Туркменбаза» деб аташган. Сабаби туркманлар кўп бўлган. Қозоқлар ҳам бор эди.

Биз болалар ҳали кўп нарсани тушунмас эдик. Рус, украин, ўзбек, туркман, қозоқ болалари бир мактабда ўқиганмиз. Ўқитувчимиз Абдужаббор Норов эди.

Шуни яхши биламанки, баъзан болалар ўзаро уришиб қолишганида украинлар бизларни «қулоқ», «лўли» деб чақиришган. Тошовузлик Хонпошша, наманганлик Ҳамидахон, фарғоналик Насиба деган дугоналарим билан мактабдан сўнг пахта теришга чиқардим. Ғўза пакана, камҳосил бўларди.

Кўпинча улар тонготаргача гурунглашиб ўтиришарди.

Уруш бошланган кун сира ёдимдан чиқмайди. Ҳаммамизни Каланчак станциясига тўплашди. Тошкентга кетасизлар дейишган эди. Отам, акам Азимжон фронтга кетишди. Бирдан немис самолётлари пайдо бўлиб бомба ташлади. Станция қий-чув бўлиб кетди. Уйга қайтишга буюришди.

Қишлоққа келганимизда буғдойга ўт қўйиш, фермадаги молларни йўқотиш ҳақида кўрсатма бўлди.

Одамлар чала ёнган буғдойларни уйларига таший бошлашди. Даланинг ўртасига чуқур ўра қазишгани эсимда. Ичига олов ёқиб қуритишгандан сўнг буғдойларни унга кўмишди.

Ферма молларини ҳам одамлар бўлиб олди. Кўплар уларни сўйиб гўштларини тузлашди, флягаларга солиб ерга кўмишди. Бу озиқ-овқатлар уруш даврида бизга мададкор бўлди. Немислар қишлоққа келишган кун ҳам эсимда. Улар ҳар бир хонадонга кириб чиқишди. Украинлардан бирини бошлиқ қилиб тайинлашди. Пахта экиш тўхтатилди. Далага дон, тариқ, нўхат экадиган бўлишди. Ҳамма ишлашга мажбур эди. Мен икки сигирни аравага қўшиб буғдой ташиардим. Туя қўшиб «косарка» ўрардим. Акам чўчқабоқарликка, укаларим мол боқишга тайинланди.

Қишлоғимизга анчагина ҳарбий асирларни олиб келишди. Улар орасида ўзбек, қозоқ ва туркманларни ҳам учратдик. Дугоналарим Хонпошша, Насиба ана шу ўзбек асирларига турмушга чиқишди. Қишлоғимизга аҳён-аҳёнда кечаси бостириб келадиган румин, чехословак, итальянлар уйларга бостириб зўравонлик қилишар, молларни, товуқларни талашарди. Ойим, дераза олдига «Тиф» деб ёздириб бизларни улардан асраб колганлар.

1945 йил қузида отам фронтдан қайтиб бизларни Тошкентга олиб кетдилар. Ўша украин қишлоғида бирга турган Жумавой Қутлимуродов ҳозир Тошовузда, Тожибой, Иномжон Калинин районидаги «Қорасув» совхозида яшашади.

* * *

Маҳсума Одилова 12 фарзанд кўрган Қаҳрамон она. Олти қиз, беш ўғилни вояга етказган. Унинг 28 набираси бор. Турмуш ўртоғи Собиржон билан катта оилага бош.

ОТАНИНГ ТАҚДИРИ

Носирхон Одилов (1895 — 1975)

«1931 йил августида Носир Одилов ва унинг оиласини асоссиз равишда Тошкентдан Украина ССР Херсон вилоятига кўчириб юборишди. Мен бу воқеанинг гувоҳиман. Ўшанда Н. Одиловнинг хўжалиги қуйидагилардан иборат эди: бир неча гектар ер, тўртта катта уйҳовли, отхона, усти ёпиқ молхона, 5—6 ҳўкиз, тўрт сигир, бузоқлари билан, тўрт-беш от, бир неча ўзбекча арава ва бошқа уй хўжалик анжомлари бор эди.

Носир Одилов ва унинг оиласини маъмурий кўчириш маҳалида юқорида саналган моддий бойликларнинг барчаси шахсий мулк сифатида маҳаллий ҳокимият томонидан мусодара қилинди».

1925 йилда туғилган, Қорасувда яшаган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Абдулла Шомаҳмудов, 1910 йилда туғилган Тошхўжа Саидов, 1898 йилда туғилган Абдусалом Турсунов, уруш ва меҳнат фахрийлари Қурбон Раҳимов, Фахриддин Ашуров, Мирсаид Комилов, Нормат Орипов гувоҳномаларидан кўчирма.

Носиржон Одилов маърифатли, тадбиркор, миришкор деҳқон бўлган. У домла Икромнинг «Ўқчи» маҳалласидаги мактабида таҳсил олиб унинг ўғли Акмал билан яқин дўст бўлган. «Ҳақсиз», «қулоқ» қилиш васвасаси авж олган 1931 йилда у адолат ва паноҳ истаб Акмал Икромов олдига чиқади. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби унинг сўзларини тинглайди.

— Акмал,— дейди Носирхон ўзидан уч ёш кичик мактабдоши, ён девор қўшнисига,— мени «қулоқ» қилиб жўнатишмоқчи. Биласан мени, жўжабирдек жонман. Мени олиб қолгин.

— Носир ака,— дейди унга Акмал Икромов,— ҳозирча сиз кетаверинг. Биласиз, тўполон вақт ҳозир. Босди-босди бўлсин. Мен ўзим сизни чақиртириб оламан.

Носирхон бу жавобдан хафа бўлмайди, чунки қандай мудҳиш замон келганини у мушоҳадали ақли билан англаган. Энг муҳими у дўстига ишонган, кўнглида умид билан кетган.

Херсон вилоятининг Скадов райони Пташовка қишлоғидан уч километр наридаги «Туркменбаза» қишлоғига юборилган оила сургун қилинган украин «қулоқлари»дан бирининг уйига жойлашади. Миришкор деҳқон, ўқимишли ва пахта илмининг устаси Носирхонни район марказидаги пахта заводига ишга тайинлашади. Тадбиркор одамнинг юки ерда қолмайди. Носирхон меҳнатсеварлиги, иш кўзини билиши туфайли одамлар назарига тушиб эътибор қозонади. «Қулоқ» бўлишига қарамай, уни завод раҳбарлигига кўтаришади.

1941 йил июнь ойидан 1945 йилгача у фронтда жанг қилади. Уруш тугагач, оиласини олиб яна ўз юртига қайтади. Фарзандларини оёққа турғазиб ўғилларини уй-жойли қилиб, қизларини турмушга бериб 80 ёшида Тошкентда бандаликни бажо келтиради.

ЎЗБЕК ДИВИЗИЯСИ ОФИЦЕРИ

Азимжон Одилов.

Табиатан истеъдодли, жасоратли ва ўтюрак бу йигитнинг жанговар фаолияти сира ёритилмаган.

Сургун қилинганда у 12 ёшда эди. Отанинг тўнғич фарзанди Азимжон ноҳақликдан қандай азобланганини тасвирлаш қийин. Кашшоф, Осовиахим аъзочиси, «Ворошилов ўқчиси» нишонлари соҳиби бўлган ўсмир Сталинга эътиқод қўйгани учун ҳам бу адолатсизликдан энг кўп азоб чеккан.

Азимжон аъзочи ўқувчи, ҳарбий илмнинг ишқибози эди. Отаси билан урушга жўнаганида ундаги билим, эътиқод ва жасорат уни бошқалардан кескин ажратиб командирлар эътиборини ўзига қаратди. «Қулоқвачча» бўлишига қарамай, уни офицерлар тайёрлаш курсларига юборишди.

Азимжон Харьков пиёдалар билим юртини аъло баҳоларда тамомлаб лейтенант унвонини олди. У тақдири аянчли тугаган ўзбек дивизияси офицерларидан бири бўлди.

Курсант либосидаги Азимжон бу суратга Харьковда 1941 йили тушган. Суратнинг орқасида унинг рафиқаси Омина Исмоилованинг ўз қўли билан ёзган шундай сўзлари бор: «Мен сизни абадий йўқотдим. Сизни унутиш ва ўзга билан алмаштириш мумкин эмас. Сиз ўзингиз билан мендан барчасини олиб кетдингиз. Бахтни, муҳаббатни, кучни. Эндиликда фақат ғам, алам ва изтироб қолди».

Лейтенант либосида майин табассум ила Омина билан ёнма-ён суратга тушган Азимжон сиймосига диққат ила қаранг-а? Қандай муносиб эр-хотин! Муҳаббат билан туташ нигоҳлар! Азимжон ҳалок бўлишидан бир неча кун аввал 1942 йилда рафиқасига юборган суратида шундай сўзлар битилган:

«Менинг азиз Оминамга ёдгорлик бўлсин! Доимо ёдингда тут: мен сени бўлғимдан ҳам кучли севганман, аммо уруш бизни бир-биримиздан ажратди. Қайтгач, сени албатта қаерда бўлсанг ҳам излаб топаман. Сен менинг қувончим ва менинг муҳаббатим!»

БУНЁДКОРЛАР

Суратнинг чапидан тўртинчи ўринда ўтирган Рихсибой Одилов 1934 йилда Херсонда дунёга келган. Оиласи билан Тошкентга қайтгунча сургуннинг барча машаққатларини бошидан кечирган.

Рихсибой 1964 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олий билимгоҳини тугаллади. Қурувчи муҳандис сифатида қарийб қирқ йилдан бери меҳнат қилади. Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар дўстлиги орденлари ва қатор нишонлар билан тақдирланган.

Суратнинг чапидан бешинчиси (иккинчи қаторда) Ғанижон Одилов ҳам Херсонда туғилган. Ҳозирда у муҳандис-қурувчи сифатида пойтахтнинг Ҳамза районида ишлайди.

«ДОИРАЧИ БЎЛОЛМАДИМ»

Зокиржон Одилов, 1927 йили туғилган.

— Немислар қишлоғимизни босиб олгандан сўнг оқсоқол мени чўчқабоқарликка тайинлади. Ҳандуз деган украин бош подачи эди. Султон Ҳасанов, Полвон Машарипов деган туркман тенгдошларим билан бирга немисларга қарашли подани боқдик. Энг қалин ошнам бир қўшиқчи бўлиб, у қўшни Ястребо қишлоғида отаси Умар, акалари Саидпўлат, Шомурод, Тўрамуродлар билан бирга яшарди. Комбайнчи бўлиб ишлаган.

Бу қўшиқчи онамизни марҳума волидасига ўхшатгани учунми, ё менга яқинлиги учунми, тез-тез уйимизга келиб турарди. У ўшандаёқ яхши созанда, овози ширали хонанда сифатида барчамизга танилган санъаткорга айланган эди. Унинг дутори юракларимиз дардига малҳам, ашулалари эса юртимиз соғинчини босувчи эди. Қишлоқдаги барча тўй, қиз ошлари унинг иштирокисиз ўтмас эди.

— Зокиржон, кел, менга доирачи бўл,— дея у менга кўп гапиргани эсимда. Урушдан қолган хотира дейсизми? Қоронғи уйда бомбалар портлаётган маҳалда патефон қўйиб Тўйчи Ҳофиз, Ҳалима Носирова, Тамарахоним пластинкаларини эшитганларимиз...

Тошкентга қайтгач муаллимлик қилдим. Деҳқончилик билан шуғулландим. Ҳозир пенсиядаман. Қирқ йилдан кўпроқ мактабда дарс бердим. Олти қизни вояга етказдим. Ҳа, айтганча, 1987 йилда Херсонга, болалигим ўтган қишлоққа бордим. Мария Васильевна деган аёл мени таниди. Уйида жуда ҳурмат ва иззат ила мени ва ўғлимни меҳмон қилди. Украинлар отам Носир Одиловни ҳамон эслашиб, ҳурмат билан тилга олишгани мени хурсанд қилди.

УКРАИНАЛИК ХОЛА

Ибодат Одилова (1890—1988)

Деҳқон қизи Ибодат Носирхон Одиловдан 14 фарзанд кўриб салкам юз йил умр кўрди.

У эри билан сургунда яшаганда фарзандларини ўзбек халқ урф-одатлари, мусулмончилик қонун-қоидаларига мос тарбиялашга ўринди. Эри урушга кетганида немислар қўлида қолган фарзандлари тақдирига жавобгарликни елкасига олди.

Ўзбек аёлларига хос иффат, ибо, сабр-қаноат, меҳнаткашлик, фарзандлар тарбиясида фидокорлик ва матонат унда бутунича мужассам эди. Ана шу фазилатлар оилани асраш ва ўғил-қизлар камолотини таъминлашда асқотди.

Қорасув маҳалласида уни «Украиналик аёл» дея ҳурмат билан эсга олишади.

ИККИНЧИ ОНА ЮРТИМ

Мирмуҳсин Одилов, 1930 йили туғилган, иқтисод фанлари номзоди, доцент

— Уруш йиллари яхши ёдимда қолган. Қишлоқ оқсоқоли қилиб тайинланган полицай Ткачук мени молбоқарга шогирдликка берди. Эрта-кеч далада бўлганман. Тўғриси, жуда шўх эдим. Шунинг учун ҳам мени бир неча марта жазолашган. Немисларнинг қамоқхонасида бир-икки кун ётганларим ҳам эсимда.

Далада тўппонча, милтиқ, автоматлар топиб беркитганман. Ўйин қилиб қуёнларни отганим ҳам рост. Немислар ёғни яхши кўришарди. Биз уларга сариёғ, тухум сотардик.

Ер тандир ясашни туркманлар ўргатишган. Қўл тегирмонини ҳам улар ясаб буғдой янчишга ўргандик. Биз далага қовун-тарвуз экиб деҳқончилик ҳам қилганмиз.

Болалигимнинг ёрқин хотираси бу ерда эшитган қўшиқларим эди. Ҳанузгача ўша хазин қўшиқлар қулоғимда янграйди.

Аристондан озод бўлган
Биродар, сенга арзим бор:
Оқ сут бериб катта қилган
Онамларга салом денглар,
Болам дея фарёд этган
Отамларга салом айтинг.

Украинада болалигим ўтди. Қарийб 15 йил ўша жойда яшабмиз. Урушдан сўнг Тошкентга қайтгач, имкон бўлди дегунча Херсонга бориб турдим. Шу кунгача тўрт марта бориб келдим. Бу йил ҳам бормоқчиман.

1977 йили борганим энг ёрқин хотира қолдирган менда. Қизим ва ўғлимни олиб Херсон томон йўл олдик. Рафиқам Меҳрихон ҳам биз билан украин диёрини томоша қилди. Бизнинг қаердан келганимиз ва кимлигимизни билган Херсон вилоят халқ депутатлари Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ҳурматимизни жойига қўйди. Ижроқўм масъул котиби Николаев бизга ҳамроҳ бўлиб Скадов районига йўл олдик. Район ижроқўми раиси Евгений Губарь билан суҳбатимиз узоқ ва мазмунли бўлди. Биз яшаган қишлоқ бошқа қишлоқларга қўшилибди. Пахта заводи консерва заводига, пахта совхози дончилик хўжалигига айланибди.

Пташовка қишлоғига борганимизда мен қачонлардир экканман «тирик тўсма» бута-лар қалин ўрмонзорга айланиб кетганини кўрдим. Худди шу жойда мен ана шу тупроққа сургун бўлиб шу тупроққа бош қўйган акаларим Муҳаммаджон ва Аҳмаджонлар руҳига тиловат қилдим.

Дончилик совхози марказида мармар ёдгорликни кўрдик. Бу шу жойдан чақириб Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўзбек жангчиларига аталган экан. Ёдгорликда ўзбек йигитлари исм-шарифлари ёзилган. Шулар қаторида акам лейтенант Азимжон Одилов номини ўқиб кўзларимга ёш олдим.

Бир кампир қаршимда тўхтаб сўз қотди.

— Ўзбеклармисиз? Яқинроқ келинглар. Нима қилиб юрибсизлар?

— 32 йил аввал шу жойда яшаганмиз.

— Шошманг, сиз Одиловмисиз?

Кампир отамни эслади. Кейин келиб менга диққат ила разм солди.

— Мен сизга дарс берганман. Рус тили ўқитувчингизман.

Афсуски, ўша кампирнинг исми-шарифини сўраш эсимга келмабди. У билан хотираларга берилиб унутибман.

Херсонда юрибман-у, ҳеч ҳам ўзимни ўзга ерда юрганимни сезмадим. Бу болалигим ўтган тупроқ бўлгани учундир балки. Мен чиндан ҳам Украинани иккинчи она юртим ҳисоблайман. Бу тупроқда қондошларим ётибди. Бетакрор болалигим, ўсмирлигим ётибди. Тамарахоним айтган қўшиқ қулоқларимда ҳамон янграб туради:

Эҳ, Галя ва Султон —
Украина ва Ўзбекистон.

БУВИМНИНГ ҲАЗИЛИ

Зумрад Одилова, 1925 йили туғилган.

— Мен 1931 йилдан 1940 йилгача Херсонда отам билан бирга сургунда яшадим. Энг ёрқин хотира десангиз шуни айтмоқчиманки, ўша ерда украинлашиб ўз она тилимни йўқотай деганман.

1937 йилда Одил бувам билан Шакар бувим бизларни кўргани Тошкентдан келишган. Уйимизда мендан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Мен меҳмонлардан ҳадиксираб украин тилида деразадан уларга дебман:

— Кетинглар, бу ерда ўзбек йўқ.

Ойим келгач улар билан қучоқлашиб йиғлашган. Шунда мен чўчиб отамнинг олдиларига бориб йиғлаганман.

— Ада, ўзбеклар ойимни нима қилишмоқчи?

Скадов районидаги интернат-мактабда ўқирдим. Ўша вақтда 14—20 ёшлардаги сургун аҳолини Тошкентга жўнатиш ҳақида буйруқ бўлган ва мен 1940 йили Тошкентга қайтдим.

* * *

Иқтисод фанлари номзоди, Акмал Икромов номидаги Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олий билимгоҳи доценти Мирмуҳсин Одилов шу кунларда 30-йилларда ноҳақ жабрланган ва сургун қилинган ўзбек деҳқонлари оилалари тақдирини ёритувчи хайрли ишини давом эттирмоқда.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди.

СУРАТДА: Азимжон Одилов рафиқаси Омина билан (1942 йил).

1939 йилда Украинада олинган ушбу суратда Одиловлар оиласи жамулжам. (Оила архивидан).

ИБРАТЛИ ТАДБИР

ОХУНБОБОЕВ номли жамоа хўжалигида меҳнаткашларни қарилик нафақасига кузатиш маросими бўлиб ўтди. Бу маросимга нафақага чиққан 108 нафар хўжалик аъзоси таклиф этилди. Йиғилишни хўжалик раиси Муносиб Авазов очиб, йиғилганларга ҳалол меҳнатлари учун ташаккур билдирди, пенсияга чиқаётганликлари билан табриклади.

Йиғилиш сўнггида уларга 7560 сўмлик эсдалик совғалари топширилди. Норинбой Ҳасанбоев ва Анорбой Эргашевларга эсдалик совғаси билан биргаликда «Хизмат кўрсатган колхозчи» унвони ҳам берилди. Шунингдек, 20 кишига беш йиллик ғолиби унвони ва 35 сўмдан пул мукофотлари топширилди.

— Бозор иқтисодиёти даврида, — дейди кўп йиллар чорвачилик фермасида меҳнат қилган Обид Норинбоев, — бизнинг меҳнатимизни қадрлаб шундай совғалар бергани учун хўжалик раҳбарларидан миннатдормиз.

Шунингдек, нафақага кузатилган Миркомил Тоғаева, Саври Тоғаева, Хошим Қундузов, Тожи Исомовлар ҳам ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Хўжаликда бундан ташқари ҳам кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

А. ИКРОМОВ.
Пискент райони.

СУРАТДА: хўжалик раиси Муносиб Авазов (чапдан тўртинчи) қарияларга совғалар топширмоқда.

Муаллиф сурати.

ҚИЗИҚИШ КУЧАЙДИ

ШОЛИЧИЛИККА ихтисослашган «Октябрь 46 йиллиги» шўро хўжалиги меҳнаткашлари мардона меҳнат қилиб, ҳар йили мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Амалдаги йилда ҳам уларнинг режалари катта. 3053 гектар майдонга уруғ сепиб, унинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил йиғиб олиш, жами 12 минг 407 тонналик «қирмизи дон» етиштиришдир. Шу эзгу мақсад хўжалик шоликорларига кучғайрат бағишлайди, эрта тонгдан далаларга чорлайди.

Биз меҳнат авж ураётган шолипояларда бўлдик. Қалби мўл ҳосил етиштириш ишқида ёнаётган азамат деҳқонларнинг меҳнатидан завқландик.

— 703 гектар майдонга уруғ сепамиз, — дейди тажрибали шоликор 1-бўлим бошқарувчиси Огай Роман. — Унинг ҳар гектаридан режа бўйича 41 центнердан хирмон кўтаришимиз керак. Аммо бу биз учун чегара эмас. Режада белгиланган ҳамма ҳосилни совхозга топширамиз. Ундан ишчиларимизга бир килограмм ҳам қолмайди. Лекин ўзимизга ҳам бўлиши керак. Акс ҳолда ойлик билан кун кечириб бўлмайди. Ишчиларимиз 180—200 сўмдан, механизаторларимиз 200—250 сўмдан маош оладилар, холос. У ҳам иш қизиган пайтда. Ахир нарх-наво осмонга чиқиб кетган пайтда бу пул билан ҳаёт кечириб бўладими? Шуларни ўйлаган деҳқонларимиз ишни ижара пудрати асосида ташкил этишди. Хўжалик маъмурияти билан тузилган шартномага кўра режадан ортиқ етиштирилган шоли меҳнат жамоамизга қоладиган бўлди. Бу ҳосил ҳар кимнинг қўшган ҳиссасига мувофиқ тақсимланади. Шу боисдан ҳар бир бригада, ҳар бир шоликор унумли меҳнат қилишга ҳаракат қилмоқда.

ШОЛИКОРЛИКДА ИЖАРА ПУДРАТИ

Огай Роман бошлиқ шоликорлар ишига муваффақият тилаб хайрлашдик. Дала айланиб, Қўшмон ака Холиқов етакчилик қилаётган шоликорлар ҳузурида бўлдик.

— Ҳорманг, Қўшмон ака!

— Э, келинглар, трактор овози билан сизларнинг келганликларингизни ҳам пайқамай қолибман, — дейди бошлиқ биз билан сўрашар экан.

— Ишлар қизғин кўринади, чарчаб қолмаяпсиларми? — саволга тутдик уни.

— Чарчаш ҳақида ўйлашга вақт ҳам йўқ, — дейди ҳазил оҳангида Қўшмон ака.

Ҳа, Қўшмон ака айтганидек шоликорлар учун ҳозир фурсат ғанимат. Ҳар бир лаҳза ҳисобда. У-бу ўйлайдиган пайт эмас. Айни пайтда шоликорларнинг бутун фикри-зикри шоли уруғини тезроқ ундириб олиш билан банд.

— Жами неча гектар ерда шоли ўстиряпсизлар?

— 668 гектарда.

Биз дала айланиб, маъмурчилик яратиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Қундуз Эсонтурдиева, Турсуной Бойматова, Қаршибой Султонов, Ҳурматой Абдуназарова бошлиқ бригадаларнинг ҳам ишидан хурсанд бўлдик. Улар экишни биринчилардан бўлиб бошлаб, биринчилардан тугатдилар. Уруғнинг тез ва сифатли экилишида И. Бозорбоев, В. Когай, В. Роман каби серғайрат механизаторларнинг ҳиссаси катта.

Шоликорлар ҳузуридан қайтар чоғимизда хўжалик директори Абдували Туронов қуйидагиларни айтиб берди:

— Шоли экишни тез ва сифатли ўтказиш учун барча зарур тадбирлар кўрилди. Кунига 250 гектардан ортиқ майдонга уруғ сепилди. Шоликорларимизнинг ғайрати зўр. Уларни рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Яқинда иш ҳақларини 30—35 фоизга оширдик. Уларнинг иш ҳақи пировард натижага боғлиқ. Қанча кўп даромад қилсак, улар оладиган иш ҳақи шунча юқори бўлади. Ўтган йили 2 миллион 819 минг сўм соф фойда қилинди. Амалдаги йилда фойдани кескин кўпайтиришимиз керак. Давлатга 10 минг тонна қирмизи дон топширишни белгилаганмиз.

Маъмурчилик яратиш, элимиз дастурхонини тўкин қилиш ниятида тер тўкиб ишлаётган хўжалик шоликорларининг хайрли ишларига омад, хирмонларига барака версин.

Комилжон БЕГМОНОВ,
Бекобод райони.

АРХИВ ХОДИМЛАРИ ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Йиллар кетидан йиллар ўтиши билан тарихимиз, шунингдек маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизда ҳам кўпгина «оқ доғлар» борлиги маълум бўлиб қолмоқда. Ўтмишда унутилган кўплаб асарлар дунё юзини кўрди, сир тутилган нашрлар ва ҳужжатларни ўқувчиларнинг кенг оммаси бемалол қўлига оладиган бўлди. Кўплаб тарихий воқеалар ҳамда ҳодисаларга янгича назар ташлаш имконини берадиган материаллар давр тутқунлигидан халос этилди. Яқин-яқинларда номи тақиқланган кишилар оқланди.

Кўнгилли асосда ишлайдиган янги жамоат ташкилоти — Ўзбекистон Архив ходимлари жамиятининг Тошкентда ўтказилган таъсис анжуманида ана шу фикрлар қайд этилди, жамиятнинг тузилгани тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда архив ишларини ривожлантиришнинг кўпгина масалалари ҳал этилиши даркор. Бу масалаларга ушбу тизим моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан то унинг ходимлари обрўсини оширишгача бўлган ишлар, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурлиги муаммолари киради.

Янги жамият Ўзбекистонда архив ишлари даражаси юксалишига кўмаклашмоғи лозим.

Жамиятнинг низомномаси тасдиқланди, жумҳурият кенгаши сайланди. Янги жамоат ташкилотига тарих фанлари доктори, Тошкент давлат дорилфунунининг профессори Т. С. Саидқулов бошчилик қилади.

(ЎзТАГ).

БАСТАКОРЛАРНИНГ ИЖОДИЙ МУЛОҚОТИ

АВВАЛ хабар қилинганидек, 4—8 июнь кунлари Тошкентда Ўзбекистон бастакорларининг бешинчи пленуми ва концертлари бўлиб ўтди. Мусиқа санъати ижодкорлари «Баҳор» томошагоҳида ўзларининг янги асарларини намойиш қилиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхоналарида учрашувлар ўтказдилар, маданият ва истироҳат боғида тингловчиларнинг меҳмони бўлдилар, марҳум бастакорларнинг хотирасини ҳурмат билан ёдга олдилар, шунингдек, атоқли бастакор И. Икромов таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонладилар.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмасида ўтказилган давра суҳбати эса ижодкорларнинг ўзига хос мулоқотига айланди. Уни уюшма ҳайъатининг раиси Аҳмад Жабборов олиб борди.

Давра суҳбатида Сайфи Жалил, Тошкент Давлат маданият билимгоҳининг ўқитувчиси А. Воҳидов, Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Ф. Мамадалиев, Тошкент Давлат консерваториясининг профессори, санъатшунослик доктори Т. Ғафурбеков ўзбек мусиқа санъати асосан икки ижодий оқим, яъни нотага асосланган композиторлик ҳамда анъанавий оғзаки усул негизидаги бастакорлик ижодиёти туфайли ривожланиб келаётгани, бу йўналишларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мутлақо нотўғри эканлигини таъкидлаб, миллий мусиқамизнинг ҳозирги долзарб муаммолари, мусиқа мактабларида таълим-тарбиянинг асосан оврўпоча усулда олиб борилаётгани, халқ мусиқаси ва мақом ижрочилигини яхши биладиган созанда, хонанда ва бастакорларни тарбиялаб, вояга етказишга алоҳида эътибор зарурлиги ҳамда улар қобилият ва истеъдодларини кенгроқ намоён қилишлари учун қулай шароит яратиш лозимлигини қайд этдилар.

Тошкент Давлат консерваториясининг доценти А. Ҳамидов, марғилонлик созанда М. Мадалиев эса тўпланганлар эътиборини олий билимгоҳ ва мусиқа мактаблари учун фойдаланиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини қайтадан кўриб чиқиш, таълим-тарбияни миллий заминга қуриш, ўзбек халқ мусиқа тарихи бўйича янги тадқиқотлар яратиш кераклиги, устоз созанда ва бастакорлар ҳақида ҳужжатли ҳамда видеофильмлар ишлаш лозимлигига қаратдилар.

Шунингдек сўзга чиққан санъатшунослик номзоди Р. Юнусов, композиторлардан С. Ҳайитбоев, Ш. Шоймардонова, марғилонлик созанда-бастакор Қ. Пўлатов, жиззахлик Ф. Зокиров, хоразмлик Қ. Раҳимов ва бошқалар мусиқа санъатимизнинг ютуқлари ва композиторлар ижодини тарғиб этишни яхшилаш, вилоятларда яшаб ижод этаётган бастакорларга ғамхўрлик кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни ўртага ташлаб, ўзларининг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Давра суҳбати қатнашчиларининг кўпчилиги Ўзбекистон бастакорларининг бешинчи пленуми маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлгани, унда қўлга киритилаётган ютуқлар ва дуч келинаётган муаммолар юзасидан очиқ-ошкора фикрлашиб олингани, бу фойдали баҳс-мунозаралар мусиқа санъатимиз ижодкорларининг келажакдаги ишларига руҳ ва мадад беришини таъкидладилар.

Р. ҒАНИЕВ.





● ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қибрай» совхоз-заводи жамоаси шаҳарликлар дастурхонига қўплаб олча, гилос жўнатишяпти. Умринисса Улуғхўжаева бошлиқ 12-бригада аъзолари шу кунларда гилос ҳосилини теришни тугатишяпти. Суратда: бригада бошлиғи У. Улуғхўжаева (чапда) ва Малика Мирзаахмедова; (ўнгда) совхоз-завод директор ўринбосари Обиджон Султонов ва ишчи Улуғбек Эргашев.

Сураткаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖАМҒАРМА

Уч йилдан сўнг ўзбек совет адабиёти асосчиларидан бири Абдулла Қодирий туғилган кунга юз йил тўлади. Жумҳуриятда бу санага ҳозирдан қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Режалаштирилган тадбирлар орасида «Абдулла Қодирийнинг адабий мероси ва ҳозирги замон ўзбек романи» Бутуниттифоқ конференциясини ўтказиш, ёдгорлик уй-музейини ташкил этиш, ёзувчи ёдгорлигининг энг яхши лойиҳаси учун танлов ўтказиш, адиб асарлари қаҳрамонларининг ҳайкаллари ўрнатиладиган Абдулла Қодирий номли боғ лойиҳасини ишлаб чиқиш каби тадбирлар бор. Филология факультетларининг талабалари учун Абдулла Қодирий номли стипендия таъсис этиш кўзда тутилмоқда.

Яқинда Тошкентда Абдулла Қодирий номли жамғарма таъсис этилганлиги тайёргарлик ишларининг муҳим бир бўғини бўлди.

— Бу ёзувчи асарларининг асл қимматини англаб етиш учун ярим асрдан кўпроқ вақт талаб қилинди. Сўз устасининг номи ва ижоди Ватанига қайтарилганлиги қувончлидир. Эндиликда Абдулла Қодирий номи ва унинг асарлари фақат Совет Иттифоқида эмас, хориждаги китобхонларга ҳам маълумдир,— деди Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси, жумҳурият халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров.— Аммо биз ҳурматли ёзувчимиз хотираси олдида катта қарздормиз. Унинг ижодий мероси етарли даражада ўрганилган эмас. Жамғармани ташкил этиш кўп сонли бирлашмалар таъсис этиш одатига шунчаки қўшилиш эмас, балки бир неча ўн йилдан кейин қаламкаш биродаримиз, ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, қатағон йилларида ҳалок бўлган адиб ижодини муносиб баҳолашга уринишдир.

Қозоқ адиби Мухтор Авезов уни «Совет Шарқининг энг буюк ёзувчиси» деб атаган эди. Ёзувчи юбилейини ўтказиш кўпгина маблағ талаб қилади. Жамғарма кўп тадбирларни пул билан таъминлаш ниятидадир. Лекин у жамоат ташкилоти, шу сабабли меҳнат жамоаларидан, давлат ва кооператив муассасалардан, айрим фуқаролардан тушган ихтиёрий бадаллар ва ажратмалар ҳисобига иш олиб боради. Ўзбекистондаги ўттизга яқин ташкилот жамғармага муассис бўлиш истагини билдирди. Уларнинг орасида барча ижодий уюшмалар, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жумҳурият жамияти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси, комсомол Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети, «Билим» ва «Китобхон» жамиятлари, Қўлёзмалар ва Шарқшунослик илмгоҳлари, Ғафур Ғулом номли, «Ёзувчи», «Чўлпон» нашриётлари ва бошқалар бор. Жамғармага ёзувчи Пиримқул Қодиров бошчилик қилмоқда.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

МИЛЛИЙ ГУЛШАН БАРПО ЭТИЛМОҚДА

УЛУҒ бобомиз Мир Алишер Навоий ҳазратларининг хотиралари эъзозланиб, у зоти шарифнинг қутлуғ маъракалари — 550 йиллик санаи муборакла-ри муносабати билан кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкентда 1990—1991 йилнинг ўзидаёқ Алишер Навоийнинг таваррук номлари «Санъат саройи»га берилди. Алишер Навоий кўчасидаги ҳайкал қайта таъмирланди. Ўша ҳудуддаги «Шеърият боғи» хиёбонига туташ «5 декабрь кўчаси» бобомиз маъракалари кезида «Шеърият боғи кўчаси» деб қайта номланди.

Ана шундай хайрли тадбирлардан яна бири — Тошкент шаҳрида Мир Алишер Навоий номи билан юритилувчи миллий гулшан (боғ) ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, улуғ бобомиз сиймоси билан янги ёдгорлик ҳам ўрнатилади. Мазкур ишлар юзасидан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғи Ф. М АШРАФИЙ билан суҳбат уюштирди.

— Фируз Мухторович, улуғ бобомизга ўрнатилажак ёдгорлик ва яратиладиган гулшан ҳақида сўзлаб берсангиз!

— Бешёғоч даҳасидаги Ленин комсомоли номли марказий истироҳат боғи ва унинг атрофидаги 80 гектар майдон, жами 120 гектар жойда Ўзбекистоннинг Алишер Навоий номли миллий гулшани ташкил этилади. Ҳазрат Навоийга ҳайкал айнан шу гулшанга яқин жойда — боғ ва кино-концерт саройи оралиғига жойлашади. «Наврўз» ресторани, кино-концерт саройи атрофлари янгитдан кўриниш касб этади. Бу тадбирлар (гулшандан ташқариси) сентябрга қадар тугалланиши лозим. Ҳайкал яратиш ҳақидаги таклиф ва баҳсларда жумҳуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич шундай ғояни ўртага ташлади: яъни, Алишер Навоий халқа пешвоз чиқаётган кўринишда акс эттирилиши лозим. Ҳозирги ҳайкал баландлиги ўн қаватли уйга тенг — 22 метрлик атрофи устунлик Арк ичига ўрнатилиб, супадан ташқари 6 метру 40 сантиметр баландликда ишланади. Ҳазрат Навоий бир қўлида асо, иккинчи қўли ёнламаси олдинга узатилган тарзда одамлар томон одимлаётгандек тасвирланади. Арк ичига махсус мослама ўрнатилиб, ундан эртаю-кеч миллий мусиқа оҳанглари эшитилиб туради.

— Худди «Алишер Навоий» фильмидаги сўнгги кўриниш — Навоий саройни тарк этиб, халққа, ижодга юзланаётган вазият тасвирланар экан-да!

— Ҳа, янглишмадингиз. Гулшан ҳақида айтиш керакки, бу ғоя ҳам аслида Ислом Абдуғаниевичга тегишли. Ёдингизда бўлса, Навоий номли катта театр олдидаги «Театр майдони»га улуғ бобомиз номи берилиб, ўша ерда ёдгорлик ўрнатилиш режалаштирилган эди. Жумҳуриятимиз Президенти бу масалага янада жиддийроқ киришишни алоҳида таъкидлади. Ҳатто биз Навоий гулшанини «Тошкент отчопари» ҳудудига яқин ерда ташкил этмоқчи бўлгандик, бу аҳоли манзилгоҳидан, пойтахтдан йироқлашиб кетар эди. Шунда президентимиз юқорида қайд этилган манзил — Бешёғоч ҳудудини танлашни маслаҳат бердилар.

— Бу масъулиятли қурилиш ишлари кимнинг зиммасига юкланган!

— Қурилишга буюртмачи Тошжрокўм, лекин қурилиш ишлари кўпчиликнинг зиммасида: Маданият вазирлиги, кўприклар қурилиши, Тошкент қурилиш Бош бошқармаси ва бошқалар. Шарқона қилиб айтганда — ҲАШАР!

— Ленин комсомоли номли боғ Навоий номли миллий гулшанга айлантирилиши энг тўғри таклиф, менимча. Маълумки, мазкур боғга кираверишда каттакон ёдгорлик бор, у нима бўлади, жойида қоладими!

— Йўқ, бу ёдгорлик шаҳримиздаги зобитлар боғига кўчирилади. Унинг ўрнига Алишер Навоийнинг қаҳрамони Фарҳод қояни иккига ажратаётган манзара акс эттирилиб, қоялар орасидан отилиб чиқадиган сув қўлга қуйилади. Бу боғ ўқувчилар, олий ва махсус таълим талабалари, меҳмонлар, ҳорижлик сайёҳлар ва шаҳар аҳолиси учун чинакамига тадбиргоҳ, истироҳатгоҳ, зиёратгоҳга айлантирилади.

— Бизда одатки, Фируз Мухторович, бирор сана ёки анжуманга ярим йил-бир йил қолганда иш бошлаймиз. Наҳотки шу ишларни олдинроқ бошлашга имкон бўлмади!

— Гапнинг очиғи, тайёргарликни анча барвақт бошлаганмиз, аммо кўнгилдаги лойиҳани яратиш қийин бўлди. Ахир, Алишер Навоий салобати, буюклиги ўз номига яраша акс этиши керак-ку! Қолаверса, 1991 йилнинг ўзи бобомиз йилидир.

— Сир эмаски, аввалги қўйилажак ёдгорликлардан, унинг муаллифлари ким эканлигидан кўплар бехабар қоларди. Шу боис энди муштарийларга муаллифлар жамоасини ва уларнинг одамлар кўрган бирор ишини қисқача изоҳласангиз.

— Мазкур ёдгорлик яратилиши ишларига Дилшод Латипов раҳбарлик қилмоқда. Меъморлардан Л. Адамов, В. Акопжанян ва мен, ҳайкалтарошлар эса Самарқанддан жалб этилганлар: Э. Алиев, В. Дегтерев ва Н. Бандзеладзе. Д. Латипов Жиззах шаҳрининг марказидаги ободончилик ишларига раҳбарлик қилган. Тошкентдаги Акмал Икромов ҳайкалининг меъморчилик ишларида Л. Адамов ва камина иштирок этганмиз.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Алишер Навоийга ўрнатилажак ёдгорлик маданият вазирлигининг бадиий эксперт Кенгаши томонидан ўта сифатли деб топилди ва бир овоздан қабул қилинди. Шунингдек, уни ҳукуматимиз миқёсидаги ташкилий қўмита ҳам тасдиқлади.

— Нафақат ўзбек халқи, балки бошқа туркий халқлар маданияти равнақида Мир Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёслиги сир эмас. Аммо бу борада унинг замондошлари, масалан, мавлоно Лутфийнинг хизматлари ҳам салмоқлидир. Мавлоно Ҳосириддин Лутфилло — Лутфий таваллудига бу йил 625 йил тўлди. Бироқ негадир бу санаи муборак ёдимиздан кўтарилмоқда. У зоти шарифга ҳанузгача бирор ёдгорлик ўрнатмадик.

— Гапингиз жуда ўринли. Тўғриси, кейинги етмиш йил давомида биз, хусусан, Ўрта Осиё халқлари маданий ва маънавий жиҳатдан ортга кетдик.

Бизда нафақат Лутфий, балки ўнлаб, юзлаб улуғ зотлар ўтганки, биз ҳануз улар хотирини лойиқ даражада эъзозлай олганимизча йўқ. Бу хатоларимиз эндиликда ўнгланмоқда. Ҳозир аждодлар ҳаёти ва фаолиятини, ўтмишни аслида қандай бўлса шундай ўрганиш бўйича «МЕРОС» дастури тайёрланаяпти. Ахир, нафақат биздаги, ҳатто хориждаги ўзбеклар ҳам ўзларидаги қадимий манбаларни Ўзбекистонга топширишни истайдилар.

— Фируз Мухторович, улуғ бобомиз маъракаларини Иттифоқ миқёсида — Москва шаҳрида ҳам нишонлаш режалаштирилган эди. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

— Айнан шу масала бўйича мен яқинда Москвада бўлиб келдим. Иттифоқ маданият вазирлиги Алишер Навоий маъракаси муносабати билан Москвада ўтказиладиган тадбирлар учун 400 минг сўм ажратди. Пойтахтда Навоий номли район кутубхонаси, у ерда эса ҳазратга бюст ва панно ўрнатилади. Москва ижроқўми билан вазирлик ўртасида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш ҳақида музокара ҳам олиб борилмоқда. Пойтахт аҳли бу таклифни ижобий баҳоламоқда.

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ жойлашган бинодан чиқар эканман, бундан қарийб 510 йил аввал тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар ҳақида рисола»)сида ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийни таърифлаб, ёзиб қолдирган тарихий маълумот ҳаёлимдан ўтди:

«[Навоий]... холис мулкини ва ҳалол бойлигини... мамлакатда мадрасалар, масжидлар, роботлар, хайрли жойлар ҳамда дор-уш-шифо касалхона] қуришга ҳаржлади».

Аждодларимиздан ўрнак олиб, уларга эргашаётганимиз чин бўлсин, деб такрор-такрор яхши ният билан йўлга тушдим.

Суҳбатдош Дилмурод САИДОВ.

ОЛИЙ ИЛМГОҲЛАР ҲАЕТИ: ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАР

ЎТМИШ МАДАНИЯТИМИЗГА ЭЪТИБОР КЕРАК

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИЛМГОҲИДА ЯНГИ, ЗАМОН ТАЛАБИГА МОНАНД КАФЕДРА ОЧИЛИШИ ХУСУСИДА БАЪЗИ-БИР МУЛОҲАЗАЛАР

МАДАНИЯТНИ юксалтириш учун маданият тарихини чуқур билмоқ, теран идрок этмоқ зарур. Ўрта Осиё қадимдан маданияти тараққий этган ўлкалардан эди. Академик Г. А. Пугаченкованинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Бақтриянинг антик маданияти — эрамизнинг I—II асрларига мансубдир. Бақтрия қадимги юксак маданиятга эга бўлган ҳинд, эрон, грек ва римликлар билан доимий алоқада бўлган. Хоразмда қўлдорлик жамияти тараққиётида маданият ва санъатнинг энг юксалган даври — эрамиздан аввалги IV асрдан эрамизнинг I асригача бўлган даврига тўғри келади. Бу даврда Кангюй маданияти номи билан юритилади. Ўрта Осиё маданияти X асрга келиб кўп жиҳатдан Ғарбий Европа маданиятидан юксак бўлган. Бухоро йирик феодал маданиятли давлатнинг марказига айланди. Амир Темур даврига келиб Ўрта Осиё маданияти янада тараққий этди. Инглиз санъатшунос олими Ф. Р. Мартин темурийлар сингари санъатни ва маданиятни қадрлаган ҳукмдорлар Ўрта Осиёда ҳеч вақт бўлмаган деб қайд қилади. Умуман, «Ўзбек халқининг тарихи жуда кўҳна ва бой. Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини Кўҳна Византиянинг Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин» (Чингиз Айтматов). Таассуфки, биз, Ўрта Осиё халқлари, хусусан ўзбек халқи маданияти тарихини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилишга етарлича эътибор бермай келмоқдамиз. Нигилистик қарашлар авж олган турғунлик йилларида, айниқса, бундай лоқайдлик авж олди. Бу даврда миллий маданият тарихига танқидий қарашлар кескинлашди. Лекин барибир ҳақиқат шуъласига ҳеч бир булут бас келолмади. Бугунги инқилобий даврда, ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англаш, ўз миллий маданияти тарихини билишга бўлган қизиқиши ниҳоятда кучайиб бормоқда. Энди биз ҳам агар одамлар ўз халқининг миллий маданият тарихини билмаса, унутса ёки менсимай қўйса, ҳар қандай олий мақсад ўз навбатида амалий заминдан маҳрум бўлишини янада чуқурроқ, юракдан ҳис этмоқдамиз. Қайта қуриш руҳи халқларнинг миллий маданияти тарихига бўлган ғаразли қарашлар қолипини чил-чил синдирмоқда. Энди ҳар бир миллатнинг миллий маданияти тарихини ва маданияти назариясини ўрганишга бўлган эътибор кучайтирилди. Шу жиҳатдан кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг қатор олий ўқув юртларида Маданият тарихи ва назариясига таллуқли кафедраларнинг очилиши ўринлидир. Масалан, Тошкент шаҳридаги аграр дорилфунуни, Халқ хўжалиги ва политехника билимгоҳида бу ишга ижобий ёндошиб келинмоқда. Лекин бевосита маданий-маърифий муассасалар учун мутахассислар тайёрлайдиган Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият институтида маданият тарихи ва назарияси кафедраси шу кунгача ташкил қилинмаган.

Институтда сўнгги йилларда: «Халқ мусиқаси», «Оммавий байрамлар режиссураси», каби янги кафедралар очилди. Бир пайтлар қайсидир «билимдонлар»нинг «ташаббуси» билан асоссиз ёпилган ўзбек тили кафедраси қайта тикланди. Мавжуд бўлган баъзи кафедралар тугатилди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, маданият муассасаларининг бўлажак ҳар бир ходими келажакни тиниқроқ тасаввур этиши, келгуси воқеаларни аниқроқ тасаввур қилиши учун маданият тарихи ва назариясини чуқур билиши керак. Бусиз у маданият масканининг етук маърифатчиси бўла олмайди. Тўғри, институтда талабаларга бу соҳада: «Ўзбекистон маданияти тарихи», «СССРда маданий-маърифий ишлар тарихи», «Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар тарихи» каби қатор фанлардан билим берилади. Аммо зикр этилган бу фанлар турли кафедраларга қарашлидир. Фикримизча, маданият тарихи ва назариясига оид фанларнинг барчаси бир кафедрага жамланса бу ҳам илмий мақсадларга, қолаверса, шу куннинг талабларига ҳам ўринли жавоб бўларди. Шунингдек «Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликлар тарихи», «Ўзбек халқининг урф-одатлари ва маросимлари», «Ўзбек тасвирий санъати тарихи», «Ўзбек рақси тарихи», шунингдек эски ўзбек тили сингари янги фанларни ҳам ўқув режаларига киритиш ва айтилаётган кафедра ихтиёрида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Эски ўзбек тилини ўрганишдан мақсад 30-йилларгача кўп манбалар асосан араб тилида ёзилган, шунинг учун маданият тарихини ўрганишни ушбу фансиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энг асосийси, Инқилобгача бўлган маданият тарихи бўйича алоҳида дарсликлар яратиш ва шу асосда талабаларга чуқур билим бермоқ керак. Бунинг учун эса етук мутахассисларни дарслик ёзиш ва лекциялар ўқиш учун жалб қилиш керак.

Дарсликларда ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган маданий меросга оид фикрлар ва назариялар ҳақида лом-лим дейилмайди. Бу катта хато ва маънавий ожизликдир, деб ҳисоблаймиз.

Шу маънода жумҳуриятимизда (ҳатто Ўрта Осиёда) ягона ҳисобланган Маданият институтида маданият тарихи ва назарияси кафедрасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Муроджон МИРЗАЕВ, Матлуба НУРМУҲАММЕДОВА, Баҳодир БАДАЛОВ, Маърифат ҚОСИМОВА, Тошкент Давлат маданият билимгоҳи ўқитувчилари.

Муҳаммад АҲМЕДОВ, илмий ходим.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ОРЖОНИКИДЗЕ НОҲИЯ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

10-синфга қобилиятли болаларни 3-ишлаб чиқариш комбинати қошида очилган

3-БОСҚИЧ МАКТАБ ИНТЕРНАТИГА

фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан 9-синфни битирган ўқувчиларни

ОЛИЙГОҲНИНГ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ СОҲАЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ,

Бу ўқув даргоҳи Тошкент тиббиёт, машинасозлик ва транспорт олийгоҳларининг комиссиялари иштирокида ёзма иш асосида қатъий синф асосида ўтказилади.

Тошкент тиббиёт олийгоҳига кирувчилар химия, биологиядан, транспорт ва машинасозлик олийгоҳига кирувчилар физика ва математикадан синов имтиҳонлари топширадилар.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ 18 ИЮНЬ 1991 ЙИЛГАЧА.

Олийгоҳга кирувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: 9 йиллик гувоҳномаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма, тиббиёт маълумотномаси, таржимаи ҳол, 3х4 ёки (5х6) ҳажмли расм.

Кириш имтиҳонлари 18 июндан 25 июнгача.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти Оржоникидзе ноҳияси «Коммунист» жамоа хўжалиги, 3-ўқув ишлаб чиқариш комбинати биноси, телефон 67-886.

Автобуслар: 491, 167, Қибрай-Гулистон — «Коммунист» жамоа хўжалиги идораси» бекати.

«Қибрай — Селекция» автобусининг «Коммунист» бекати.

Маълумотлар учун: Оржоникидзе ноҳия халқ таълими бўлими, телефон 61-244.

ИИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва машинасозлик олий билимгоҳида таълим олмоқчи бўлсангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИЙДИЛАР ва 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БЎЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфни битирувчилар ойига 115—150 сўм миқдорида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар машинасозлик олий билимгоҳига ўқишга юборилади.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қуйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар; 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилимиз: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 41-57-54.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ИИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

1991—1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 9—11 синф ҳажмида маълумотли, ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Якка буюртмаларни тикувчи-бичувчилар (ўқиш муддати — 1—3 йил),

Кенг ихтисосли сартарошлар (ўқиш муддати — 1 йил),

Ошпаз-қандолатчилар (ўқиш муддати — 1—3 йил),

муэлатгичларни таъмирловчи усталар (ўқиш муддати — 3 йил),

сотувчи-буфетчи, назоратчи-кассир (ўқиш муддати — 1 йил),

кенг ихтисосли сураткашлар (ўқиш муддати — 3 йил).

9-синф маълумотидагилар бепул овқат, кийим-бош ва 40—50 сўм стипендия билан таъминланадилар.

11-синф маълумотидагилар ойига 80—100 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, таржимаи ҳол, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юртининг манзилгоҳи: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, Қорақамиш 1/2 даҳаси, 20-уй (42, 43-э, 56, 93-автобуслар; 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати; 7, 10-траллейбусларнинг охирги «1/4 Қорақамиш» бекати; 82-автобуснинг «1/4 Қорақамиш» бекати).

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Ғалаба райони халқ таълими бўлимининг мудири Х. С. Айтбековга отаси **Юсуф АЙТБЕКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Индекс: 64672. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Буюртма — 5566. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.30.